



Аллоҳ таоло Моида сурасининг 89-оятида айтади:

«Аллоҳ сизларни тилларингиздаги беҳуда қасамларингиз сабабли жазоламайди. Балки (дилларингиздаги) маҳкам туккан қасам сабабли (агар шундай қасамни бузсангиз) жазолайди. Бас, унинг каффорати ўз оиласигизни боқадиган ўртача таомлардан ўнта мискинга таом бериш ёки уларнинг сарпосини қилиш, ёхуд бир қулни озод қилишдир. Ким (бу нарсаларни) топа олмаса, уч кун рўза тутсин! Мана шу — қасам ичган (ва уни бузган) пайтингиздаги қасамларингиз каффоратидир. Қасамларингизни (бузишдан) сақланингиз. Шукр қилишингиз учун Аллоҳ сизларга Ўз оятларини мана шундай очиқ-ойдин баён қилур».

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бир (ишни қилишга) қасам ичса-ю, бошқа бир ишни ундан кўра яхшироқ деб кўрса, яхши деб кўрганини қилаверсин ва қасамига каффоат берсин», дедилар.

Copyright 2022 • Ислом Нури • www.islomnuri.com



Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган муттафакун алайҳ ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирингиз аҳли-оиласи ҳақида ичган қасамида маҳкам туравериши у учун Аллоҳнинг наздида Аллоҳ үнга фарз қилган каффоратини беришидан (ва қасамидан кутулишидан) кўра гуноҳлироқдир», дедилар.

Шарҳ:

Баъзан инсон бир ишни қилишга ёки қилмасликка қасам ичиб қўядида, кейин фикри ўзгариб, ўша қасидан қайтиб қолади. Бандасига меҳрибон бўлган Зот үнга шундай ҳолатдан чиқиш йўлинни қилиб қўйди. Бу - қасамнинг Аллоҳ таоло тарафидан белгилаб берилган каффоратини бериш билан бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Каффорат бериб, қасамдан кутулиш мумкин.
2. Қасамнинг каффорати ўнта мискинни тўйдирин ё кийинтириш ёки бир қул озод қилишдир.
3. Мазкур ишларга имконияти бўлмаган киши уч кун рўза тутса ҳам бўлади.